O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 27-NOYABR ■ PAYSHANBA ■ 139 (27.159) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 24-26 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ





Ўзаро ҳамкорлик истиқболларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асосни кенгайтириш, жамият ва иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида тажриба алмашиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилинган ушбу ташриф Ўзбекистон — Болгария муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат имзолангани дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомийлигига яна бир тасдиқ бўлди.

Ўзбекистон учун Болгария билан ҳамкорлик ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоси, 2004 йили Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг раҳбарлигини қабул қилиш ва НАТОга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиш арафасида турган бу мамлакатнинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги биз учун катта имкониятлар эшигини очади.

Давлат ташрифи асносида Ўзбекистон раҳбари Болгария Республикаси Халқ йиғини раиси Огнен Герджиков билан музокара ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Болгария Бош вазири Симеон Сакскобурготский билан учрашди. Музокарада асосан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Болгария дўстлик ришталари мустаҳкам, қарашлари уйғун мамлакатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш ниятида. Ўзбекистон Болгария учун шундай мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатлар хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир хил фикрда. Ўзбекистон каби Болгария ҳам ўз минтақасида наркотик моддалар контрабандаси йўлидаги энг катта тўсиқ саналади, халқаро аксилтеррор коалициясини дадил қўллаб-қувватлаган давлатлардан.

Президентлар муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Болгария бир-бирини узоқ муддатли ва ишончли шерик деб билишини қайд этди. Ислом Каримов Болгариянинг халқаро майдондаги нуфузини кузатиб келаётганини айтган бўлса, Георги Парванов мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг барқарорликни сақлашдаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон — Болгария муносабатларининг янги поғонага кўтарилишида икки давлат раҳбарининг хизмати беқиёс. Ташриф юксак савияда ва самарали ўтгани уларнинг ҳамфикрлиги, ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси, десак, ўринлидир. Сафар чоғида Ўзбекистон раҳбари Болгария давлатининг юксак мукофоти — «Старо планина» ордени билан, Георги Парванов эса Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувлардан бирида мамлакатимиз раҳбари Болгария томонининг бир фикрига гўзал тузатиш киритди. Яъни, бу мамлакат София наздидаги каби «Улкан Европа бозорига кичкина эшик» эмас, ҳақиқий дарвоза, мустаҳкам кўприк бўлиши керак. Ўзбекистон унинг учун Осиёдаги таянч нуқта вазифасини бажаришга тайёр.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки икки томонлама савдо ҳажми томонларни бирдек ташвишга солиб турган эди. Бу борадаги кўрсаткич 10 миллион АҚШ долларига ҳам етмаётгани кўплаб имкониятлар ишга солинмай келаётганини кўрсатади. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, 5-10 миллион долларлик кўрсаткичга битта шартнома билан ҳам эришиш мумкин.

Савдо ҳажми камлигига қатор сабаблар бор. Аввало, ҳуқуқий асос такомиллашмаган. Гап икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш, сармояларни ҳимоялаш ва кафолатлаш, банклараро алоқани мустаҳкамлаш ҳақида кетмоқда. Ташриф чоғида бу муаммоларга барҳам берилди. Ҳуқуқий асос мустаҳкамланди, яъни ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Айниқса, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш, темир йўл транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Болгария Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислом Каримов иқтисодий шароит, сармоявий муҳит ҳақида ҳам томонлар етарлича маълумотга эга эмаслиги туфайли товарлар ва хизматларни ҳаракатга келтириш сустлигини таъкидлади. Қисқаси, ушбу ташрифга қадар қандай маҳсулотни олиш ё сотиш, қандай хизмат туридан фойдаланиш ё таклиф этиш керак, деган саволлар жавобсиз эди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арафасида ўтказилган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилди.

Президентлар комиссия фаолиятига юқори баҳо берди. Зеро, сафарнинг иккинчи куни ўтказилган Ўзбекистон — Болгария бизнес-форумида мезбон томондан саксонга яқин корхона ва ташкилотдан вакиллар қатнашди. Ишбилармонлар шу ернинг ўзида тўқимачилик ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойабзал тикиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, озиқ-овқат, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш каби соҳаларга оид йигирмадан зиёд лойиҳани муҳокама қилди. Улардан техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилганларининг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларидан ошади. Кўриниб турибдики, изласа имкон топилади. Бу лойиҳалар янгиланган ҳамкорликнинг дебочаси эканлигини ҳисобга олсак, иқтисодий алоқаларимиз кўлами яқин йилларда бир неча баробар ошишига шубҳа йўқ.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникациясидир. Ҳудудидан бир неча транспорт йўлаклари ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга бўлган Болгария биз учун, ҳақиқатан ҳам, Европага кўприк вазифасини ўташи мумкин. Ислом Каримов 1998 йил Болгарияга сафари чоғида Варнадаги порт билан танишган эди. Бу галги ташриф давомида Бургас шаҳрига бориб, Болгариянинг транспорт салоҳияти билан янада яқинроқ танишди.

Бу мамлакатда юк ташиш имкониятлари катта. Бандаргоҳлар яхши жиҳозланган, катта миқдордаги юкни ортиш, тушириш ва сақлаш имкониятлари бор, улар автомобиль ва темир йўл тармоқларига уланган. Уч томонлама келишувга биноан Варна портида Украина ва Грузиядан паромда келтирилган ёки жўнатиладиган юк давлат тўловларидан озод қилинади. Мисол учун, Варна-Ильичевск-Поти/Ботуми йўлида тўрт паром ҳаракатланади. Улардан иккитаси Болгарияга тегишли бўлиб, ҳар бири 108 вагон юкни сиғдира олади.

Хизмат кўрсатиш даражаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотни келтириш кифоя. Поездни тайёрлаш, ҳужжатлаштириш ва божхона қайди учун атиги уч соат керак бўлади.

Албатта, бу сифатлар Ўзбекистон талабларига мос келади. Ислом Каримов бу соҳадаги ҳамкорликка тўхталиб, бир неча масалага изоҳ берди. Аввало, транзит мамлакатлар билан келишган ҳолда кўп томонлама ҳужжат тузиш даркор. Шундагина Ўзбекистон Болгариягача бўлган мустаҳкам йўлдан узлуксиз фойдаланиши мумкин. Президентимизнинг фикрича, бу ишда Болгария ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, юк ташиш биринчи галда гуманитар фаолият ҳисобланади. Чунки у савдони ривожлантириш ва шу орқали алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Ўзбекистон билан Болгария ўртасида божхона соҳаси бўйича битим тузиш таклифини билдирди. Божхонадан ўтишнинг енгиллаштирилиши бизга Европага йўлни кенгайтириш, Болгария учун Марказий, Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё минтақаларига чиқиш имкониятларини оширади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гап кетганда, сайёҳлик соҳасига тўхталмай илож йўқ. Болгария сўнгги йилларда бу борада улкан ютуқларга эришмоқда. Ислом Каримов сафарининг сўнгги нуқтаси бўлган Несебир шаҳрида мамлакатларимиз ўртасида консуллик конвенцияси имзолангани чуқур рамзий маънога эга эканлигини таъкидлади. Зеро, Несебир Болгариянинг йирик сайёҳлик марказларидан биридир.

Ислом Каримовнинг Болгарияга қилган давлат ташрифи икки томон учун ҳам ғоят фойдали натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, булар бошланиши, холос. Томонлар бир-бирининг имкониятларини энди тўлиқ ўрганиб чиқди. Муҳокама қилинаётган таклифлар, лойиҳалар кўп. Президентимизнинг мазкур ташрифи ҳамкорлик учун талай янги имкониятлар очгани билан Ўзбекистон — Болгария муносабатлари солномасидаги ёрқин саҳифа сифатида тарихга кириши, шубҳасиз.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
*Тошкент — София — Бургас — Несебир — Тошкент.*

✧✧✧

**Суратларда**: ташриф пайти.
**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Барча мусулмонлар учун муборак бўлган Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Аллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ, ислом умматига қут-барака, хурсандчилик ва шон-шараф ато этишини сўрайман.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

**Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этишдан бахтиёрман. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига доимий ривож ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан ислом умматига шундай қутлуғ айёмларни қайта-қайта ато этишини сўрайман.

**Қобус бин САИД,**
**Умон Султони**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**Умар Ҳасан Аҳмад ал-БАШИР,**
**Судан Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ислом олами мунаввар Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаётган бир вақтда Сиз Жаноби Олийларига, Сиз орқали Ҳукуматингиз ва Ўзбекистон халқига Фаластин халқи, унинг раҳбарияти ва шахсан ўз номимдан энг эзгу табрик ва самимий тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Ёсир АРАФОТ,**
**Фаластин Мухторияти раиси**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Саодатли Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт тилаб, самимий табрик ва энг эзгу истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қодир Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларининг Ўзбекистон халқи ва ислом уммати манфаатлари йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизни ўз марҳамати ила қўллаб-қувватлашини сўрайман.

Самимий тилаклар ва эҳтиром ила,

**Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

**Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига**

# УЛУҒЛАР МЕРОСИ — ХАЛҚ МУЛКИ

Бугун Бухоро ўзининг азиз фарзанди, хожагон тариқатининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги халқаро миқёсда нишонланаётганлигининг шоҳиди бўлмоқда. Ана шу сана муносабати билан «Бухоро» меҳмонхонасида ЎзРФА, Тошкент ислом университети, Маданият ишлари вазирлиги ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Абдулхолиқ Ғиждувоний ва тасаввуф» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти вазифасини бажарувчи, профессор Тўра Мирзаев бошқарди. Йиғилиш қатнашчиларини аллома юбилейи билан Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Музроб Бўронов қутладилар. Шундан сўнг ЎзРФА академиги Музаффар Хайруллаев, фалсафа фанлари доктори Ҳайдар Алиқулов, тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов ва бошқа етук олимлар турли мавзуларда маъруза қилдилар. Улар Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг хожагон тариқати, тасаввуф таълимотидаги инсонпарварлик ғоялари ва унинг рубоийлари ҳақида батафсил маълумот бериб, бу туганмас мерос халқ мулкига айланганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн сўзга чиқиб ҳазрат меросининг жаҳоншумул аҳамияти хусусида гапирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов сўзга чиқди.

Илмий конференцияда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Ҳазрат Хожаи Жаҳон — Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-бетида танишасиз.***

# ФАРЗАНДЛАРГА — МЕҲР, ЭЪТИБОР



Тилимизда «орият», «лафз», «ҳаё» сингари бошқа тилларда топилмайдиган сўзлар борки, улар миллатимизнинг қадимдан шаклланган фазилатларини ифодалайди. «Савоб» ҳам шундай сўзлар сирасига киради. Зеро, азалдан муҳтожларга ёрдам кўрсатиш миллий қадриятларимиздан саналади. Юртимизда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, кексалардан кўнгил сўраш қадимдан анъанага айланган.

Рамазон ҳайити кунлари пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларда шаҳар ҳокимлиги томонидан хайрия тадбири ташкил этилиб, тарбияланувчиларга кийим-кечак, ўқув қуроллари ва техник жиҳозлар ҳадя этилди.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 22-меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди. Бу ерга ҳомий ташкилот ва идоралар вакиллари, санъаткорлар ташриф буюриб, болаларга совға-саломлар улашди.

— Мамлакатимизда ҳар бир фарзанд, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, давлатимиз эътиборида, — деди меҳрибонлик уйи директори Матлуба Охунова. — «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор» шиори билан ўтказилаётган туркум тадбирлар ҳайит байрамига уланиб кетди. Бу ерда олтмишдан зиёд ўғил-қиз тарбияланади. Уларнинг пухта билим олиши учун барча шароит мавжуд.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Суратда:** меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат**

# МАЪРИФАТПАРВАР МАКТАБИ

Миллат ўз қадим ўзанларини қайта тирилтирса, авлодлар аждодлар меросини ўрганса, улар хотирасини ёд этса эзгулик деган боқий калом абадий яшайверади.

Куни кеча Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ҳамкорликда атоқли маърифатпарвар, маданият дарғаси Шокиржон Раҳимий таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонладилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган педагогика фанлари номзоди Г.Алимова йиғилганларга илм-фан фидойиси Шокиржон Раҳимий босиб ўтган йўл ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг профессор Наим Каримов, фан номзодлари Йўлдош Абдуллаев, Сирожиддин Аҳмедов, Муҳаббат Абдураимова ҳамда филология фанлари доктори Эргаш Умаровлар Шокиржон Раҳимийнинг илмий-адабий мероси ҳақида маъруза қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, ҳаёти ҳам, ижоди ҳам мактаб бўлган бундай табаррук сиймоларни ёд этиш — улғаяётган авлод қалбига маърифат ниҳолини қадаш билан тенгдир.

**Юнус ЗИЁДОВ**

# МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЖМУИ

Избоскан туманидаги Турдали Мамажонов номли маҳалла болаларининг қувончи чексиз. Бу ерда янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Энди болалар бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун шароит яратилди. Бундай қулайликни яратишда ака-ука тадбиркорлар — Мирзаали, Адҳамжон, Мақсудали ва Бахтиёр Мамажоновлар саховат кўрсатишди. Спорт мажмуида бокс, волейбол, баскетбол, футбол, кураш, оғир атлетика бўйича машғулотлар ўтказиш бошлаб юборилди.

**Одилжон ЖЎРАЕВ**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

# ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

«Ўзэкспомарказ»да «Фармация — 2003» дори воситалари ва тиббиёт маҳсулотлари тўртинчи республика ярмаркаси очилди.

Республикамизда мавжуд дорихоналар аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли тиббий воситалар ҳамда дори-дармон билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ташкил этилган ушбу ярмаркада ўтган ўн йил мобайнида шу соҳасида эришилган ютуқларни намойиш этиш билан бирга, муҳим шартномалар ҳам имзоланади.

«Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни томонидан тўртинчи марта ташкил этилган ярмаркада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дори-дармон препаратлари, субстанциялар, ёрдамчи воситалар, тиббиёт техникаси ишлаб чиқарувчи олтмишга яқин корхона иштирок этмоқда. Эътиборга молик жиҳати, уларнинг аксарияти эндиликда ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилаётир. Бу ерда Россия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатларнинг дори-дармон ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялари маҳсулотлари ҳам ўрин олган.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

## БОЗОР



*— Бу не бозор эрур, ҳамма жим ва жам,*
*Оладиган ҳам йўқ, сотадиган ҳам?*
*— Бу — мозор, у ерда ҳамма жам ва жим,*
*Олмайди, сотмайди биропта одам!*

**Абдулла ОРИПОВ**
2003 йил, 26 ноябрь

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

# «ДЎРМОН»ДА КИЧИК БАНК

Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Кармана туман бўлими аҳоли зич жойларда ўз шахобчаларини муттасил кўпайтирмоқда. Навоий тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги марказий қўрғони — «Дўрмон»да очилган кичик банк ана шулар жумласидандир. Қисқа вақт мобайнида банкнинг доимий мижозлари 100 тадан ошиб кетди. Характерли жиҳати бу — бир неча иқтисодчи кадрларнинг иш билан таъминланиши ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, деҳқон-фермерларга намунали банк хизмати кўрсатилганидир.

**Музаффар ШАРОПОВ**

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

# ХОЖАИ ЖАҲОН ТАЪЛИМОТИДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

## АСРЛАР ОША ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЙЎЛИНИ НУРАФШОН ЭТИБ КЕЛМОҚДА

**Ислом КАРИМОВ:**

**Бухорои шариф — ўзининг буюк фарзандлари, азиз-авлиёлари, бетакрор тарихий обидалари билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга танитган табаррук маскандир...**

**Бухоролик деганда, аввало, қўли меҳнатдаю, дили Аллоҳда бўлган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, тақдирнинг кўп-кўп синовларини бошидан ўтказган, сабр-матонатли, бунёдкор халқ кўз ўнгимизга келади. Бу заминда туғилиб, камол топган Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий сингари ўнлаб буюк зотлар билан нафақат халқимиз, балки бутун мусулмон дунёси фахр-ифтихор қилади.**



# АЛЛОМА ҒОЯЛАРИ ЗАМОН ХИЗМАТИДА

Абдулхолиқ Ғиждувонийга Нуҳ пайғамбар ёши насиб этганида эди, ҳазрат бугун тўққиз юз йил умр кечирган бўлар эдилар. Аммо ҳасрат ва ўкинчга ўрин йўқ, чунки бу табаррук зот истиқлол туфайли қайта туғилди ва мангулик ҳаётида яшашда давом этмоқда.

Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бутун онгли фаолияти бизни ўраб олган мулки борлиқ — «олами кубро» ва шу ҳудудсиз мавжудот ичра сиру синоатлар манбаи ҳисобланмиш инсон — «олами суғро» (кичик олам)ни ўзлигига қайтариш, унинг феъл-атворидаги қусурларни тозалаш, эзгуликка даъват қилишга сарфланди. Юртимизнинг ўтмиш алломалари, шайх, авлиёуллоҳ, орифу фозиллари ҳақида яратилган кўп сонли маноқиб асарларда, жумладан, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақидаги манбаларда бир-бирини инкор қилувчи маълумотлар учрайди. Уларга биноан Абдулхолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний 1103 йилда Ғиждувонда тақводор оилада таваллуд топган. Табиийки, замин фарзанди сифатида Абдулхолиқ ҳазратлари ёшликда етук тарбия ва таълим кўрганлар. IX-XII асрларда Бухорои шариф ҳудудида илм-фан, хусусан, илоҳий-ирфоний йўналишдаги қарашлар, ҳадис ва муҳаддисларнинг ривожу равнақи ўзига хос бир уйғониш, олтин даврни вужудга келтирдики, бундай муҳитдан буюк алломанинг болалик йиллари ҳам бенасиб қолган эмас. Алишер Навоийнинг қуйидаги таъкидлари ҳам фикримизни ойдинлаштиради. «Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдир... Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо (с.а.в.) шаръу суннати мутобаатида ва бидату ҳаво мухолафатида қадам босубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдирлар». Равшан бўлаётирки, болалик йилларидаёқ шариат ва ҳадис илмлари Абдулхолиқ ҳазратларининг маънавий-ахлоқий балоғатида дастуриламал вазифасини адо этган. Илоҳий истеъдод билан эгизак туғилган бу зоти мукаррам табиатида бидъату кибру ҳавога қарши исён уйғонган, хоксорлик, ибратли феълу атвор унинг вужудидан жой олган эди. Улуғ ўзбек шоири буюк маънавий арбоб ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттирар экан, ёзади: «Аларға (Абдулхолиқ Ғиждувонийга) кўнгил зикри сабақи йигитликда Хожа Хизр (а.с.)дан бўлубдир... ва Хожа алардин фарзандлик қабул қилибдурлар». Алишер Навоий қайдларини эътиборга оладиган бўлсак, оила ва давр муҳити илмий-маърифий ҳамда илоҳий марҳамат омухталашиб Абдулхолиқ Ғиждувонийни эл назарига тушган, маънавий-ахлоқий олами бой, баркамол шахс сифатида шакллантиради. Ҳазратнинг кейинги даврдаги фаолияти, балоғат пиллапоялари сари юқорилаб бориши шайхуш-шуюх (олимлар олими) Хожа Юсуф Ҳамадонийга боғлаб талқин қилинади. Бундай майл мумтоз ҳамда замондош тадқиқотчиларнинг асарларида яққол кўзга ташланади. Жумладан, улуғ ўзбек шоири ёзади: «Хожа аларнинг (Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг) сабақи ва зикри пиридурлар ва Хожа Юсуф суҳбат ва хирқалари пири».

Тўғри, Юсуф Ҳамадоний Бухорога келгач, Абдулло Барқий, Хожа Аҳмад Яссавийлар қаторида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам бу муршиди раббонийдан илоҳий-ирфоний таълим олди ва унинг тўртинчи халифаси (ўринбосари) мақомига кўтарилди. Агар тасаввуф даргоҳига қадам қўйган соликнинг (дарвешнинг) муршид этагини тутмай, ҳатто 30-40 йил риёзат чекмай ориф — шайх даражасига етиши мумкин эмаслиги инобатга олинса, Абдулхолиқ Ғиждувоний учун ана шундай маънавий раҳнамо вазифасини Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ўтаганлиги айни ҳақиқатдир. Бироқ, биз бу ўринда бошқа фикрни ўртага ташламоқчи эдик: тақдир тақозоси билан Юсуф Ҳамадоний Бухорога ташриф буюрмаган ва Хожа ҳазратлари унинг этагини тутмаганда ҳам бу зоти бобаракот ҳозирги мақомига кўтарилган бўлур эди, деган мушоҳада бизнинг қалбларимиздан кечади. Чунки, «Қуббатул-ислом», «шариф шаҳар» унвонлари билан шарафланган Бухородаги илмий-ирфоний муҳит ва буюк муаррих Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асаридаги «бу заминдаги олиму фузалоларнинг рўйхати тузилса, бир неча дафтар бўлади», — қабилидаги жиддий қайдлари ҳам мулоҳаза юритишга ундайди. Иккинчидан, буюк истеъдод соҳиби бўлган бир олимнинг кашфу камолотини бошқа бир алломага боғлаб талқин қилиш ҳамиша ҳам кутилган натижани бермайди. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг табиатида юксак истеъдод мавжуд бўлиб Юсуф Ҳамадоний билан учрашгунга қадар илоҳий-ирфоний аллома сифатида шаклланган эдики, қисқа бир муддат ичида шайхи раббоний ва олими нуктадон қўлидан хирқа кийиш шарафига муяссар бўлади...

Ҳаётда, замондошлари ўртасида ибратли ахлоқий-маънавий рафтори билан танилган Абдулхолиқ Ғиждувоний «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхуш-шуюх ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний», «Васиятнома» каби илмий-маърифий асарлари, маноқиблари билан замонасининг етук ахлоқшуноси, илоҳиёт ва тасаввуф оламининг донишманди, халқпарвар ҳамда ватанпарвари мақомида шуҳрат қозонади. Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан ўртага ташланган «Ҳуш дар дам» (солик оладиган ва чиқарадиган ҳар бир нафасини огоҳлик билан эсламоғи), «Назар бар қадам» (қўйиладиган ҳар бир қадамнинг эътиборда бўлиши), «Сафар дар ватан» (бу ўринда «ватан»ни инсон қалби ва ўз маъносида ҳам талқин қилиш мумкин), «Хилват дар анжуман» (зоҳиран халқ ва ботинан қалб билан) каби рахшалар (тезислар) нақшбандия тариқати учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Бир шайхдан сўрабдилар:

— Тасаввуф недур?

Ҳазрат жавоб берибдилар:

— Бори ахлоқдур.

Ана шу маънода Абдулхолиқ Ғиждувоний қаламини билан иншо қилинган асарларни ҳам илмий-маърифий, маънавий-ижтимоий ахлоқномалар тарзида қабўл қилиш тўғри бўлса керак. Зеро, ҳазратнинг нодир асарлари замонлар оша тилдан тушмай, авлодларга беминнат мададкор бўлиб келаётганининг сири ҳам ана ўша фазилати ҳисобланади. Нафс Одам Ато зурриётларининг жисмоний эҳтиёжи, уни ўлдириш ва мутлақо йўқотишнинг имкони йўқ. Шундан бўлса керак, илоҳиёт ҳам, тасаввуф ҳам нафсни жиловлашга даъват этади. Аҳмад Яссавий эса «нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор», — дея жар солади. Худди шундай овоз Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг юқоридаги жумлаларидан ҳам қулоққа чалинади. Улуғ алломанинг бундай ҳаётбахш ғоялари нафақат унинг илмий-маърифий, ахлоқий-таълимий асарлари саҳифалари орқали, балки улардан бадиий адабиётга кўчиб, яратилажак асарларга ғоявий мазмун, завқ ва умрбоқийлик бахш этиб келди.

Аллома «Васиятнома» асарида ёшларга мурожаат қиларкан, шундай дейди: «Илм ўрганмасдан туриб, ишга киришмагил. Дин йўл-йўриқларини билишинг учун мудом фиқҳ ва ҳадис ўргангил». Инсоният турмуши тараққиёти ва фаровонлигини тафаккурдан ташқари тасаввурга сиғдира олмаган Абдулхолиқ Ғиждувоний ана шундай қатъий мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Унинг фиқҳ, калом қонуншунослиги ва ҳадисга доир таъкидлари ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаган одам ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизда бундай даъватлар алоҳида аҳамият касб этади. Ҳадис эса ахлоқий-маънавий панднома. Уларни ўзлаштирган ва амал қилувчи ўспириндан ҳар қандай қинғир-қийшиқ йўлларга кирувчи ватанфуруш чиқмайди. Алломанинг қуйидаги фикрлари ҳам зукко ўқувчини жиддий фикрлашга ундайди: «Тариқат йўлига кириб, уламолар изидан боргил ва алардин мутаассир бўлғил, магар шароитга хилоф бўлмаса, илм эгалари ва шайхларнинг таълимотини инкор этмагил». Адолат, тўғрилик, ростгўйлик, ҳаққоният тарафида бўлишга чақирувчи айни олижаноб мулоҳазалар бугун биз учун ҳам замондошдир. Улуғ истиқболлар, бунёдкорлик, дунё ҳамжамиятининг олдинги сафларида бўлиш орзуси билан нафас олаётган юртдошларимиз учун бундай доно ҳикматлар ахлоқий-маънавий дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Илоҳиёт ва тасаввуфдаги таянч масала ишқ талқинидир. Бундай асарларда ишқ инсонни покловчи восита сифатида улуғланади. Шундан бўлса керак, бадиий адабиётнинг жовидон мавзуи ҳам ишқдир. Жумладан, Абдулхолиқ Ғиждувоний қаламида улуғланган ишқни комил инсонни шакллантирувчи, ноёб жавҳар тарзида қабул қилиш тўғри бўлади. Алқисса, Хожаи Жаҳон маънавий меросларида истиқлол даври одамларига маънавий озуқа берадиган жиҳатлар беқиёс кўп. Бу улуғ ғояларни халққа етказиш мақсадида Бухоро давлат университети жамоаси ҳам кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Юбилей олдидан одамлар орасига кириб бориб, бир қатор тадбирларни ўтказмоқда. Бу эса юртдошларимиз қалбида бобомизга бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғуларини уйғотмоқда.

Талабалар ўртасида «Тасаввуф, мумтоз адабиёт ва ахлоқий-маънавий тарбия» мавзуида маъруза ва семинар дарслар ташкил этилиб, тасаввуф илмининг ахлоқий-таълимий моҳияти ҳамда Ғиждувоний асарларининг тарғибот-ташвиқотига эришмоқдамиз. Абдулхолиқ Ғиждувоний тўйига атаб ўтказиладиган илмий анжуманда университет профессор-ўқитувчилари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган долзарб масала баркамол шахс тарбиясидир. Ана шу улуғвор вазифани рўёбга чиқаришда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг намунали ҳаёт йўли ва асарларида кўтарилган ахлоқий-таълимий ғоялар муносиб ўрин тутади.

**Комил МУҚИМОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори, академик,**
**Райим ВОҲИДОВ,**
**тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири, профессор**

## ҲАЗРАТ ҲИКМАТЛАРИ

*Гар сенга бировдан шикоят бордур,*
*Дарди дилинг ундан бағоят бордур,*
*Ёмонлиги ўзи ёмонга жазо*
*Интиқом олмоққа на ҳожат бордур.*

*Эй дил, дунё шодмонлигидин ўтгайсен,*
*Мағрур бўлма жавонлигидин ўтгайсен,*
*Тун-кун ўтиб бир кун фанодур умринг,*
*Умринг бир он, бир онлигидин ўтгайсен.*

*Толиби Ҳақ, дўстга ўзни ошно, айла,*
*Илм бирла мудом қалбингга барно айла.*

*Шуури борлар сафидан жой олмоқ бўлсанг,*
*Ҳақ тақдирини шууринга жо айла.*

*Покиза ахлоқ бўл ҳар вақт, ҳамма ҳол,*
*Покиза хислатли зот-аҳли камол.*
*Ҳақнинг ризосидин не бор ортиқроқ?*
*Ҳақ розидир бўлсанг покиза хисол.*

*Ёмон билан суҳбат этма ҳеч,*
*Алар номинг булғаб кетолгай.*
*Қара, улкан қуёш нурини*
*Парча булут хира этолгай.*

# МЎЪЖИЗАСАН, ҒИЖДУВОН!

## БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ ТАВАЛЛУД ТОПГАН САНАНИ НИШОНЛАШ ШАРОФАТИ БИЛАН КЎҲНА ВА ТАРИХИЙ ШАҲАР ҚАЙТАДАН ЧИРОЙ ОЧДИ

Қадим тарихга эга Бухоро бугун Мағрибу Машриқдан келаётган азиз меҳмонларга ўз бағрини очган. Пирларнинг пири, авлиёлар султони Ҳазрат Хожаи Жаҳон — Абдулхолиқ Ғиждувоний бобомиз таваллудининг 900 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилди. Аллоҳга шукрки, қадим юрт, унинг иймони бутун, дили пок, қўли гул, иродаси бақувват кишилари бу шодиёнани кўтаринки руҳда қаршиламоқда. ЮНЕСКОнинг XXXI сессияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги қарорига асосан тасаввуф таълимотининг асосчиларидан бири, қутби замон, аллома Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйларини ўтказишга тайёргарлик миллатимизнинг ўзлигини англашида, бой маънавий меросимизни тиклашда муҳим тарихий воқеадир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ десак, асло хато бўлмас. Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорои шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом ал-Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Самосий, Сайид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, бугун уларнинг номларини ёдга олиш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Хўш, Абдулхолиқ Ғиждувоний ким бўлган, бундай шарафга ул зот қандай сазовор бўлганлар? Хожагон тариқати асосида нима ётади ва бугунги кунда унинг аҳамияти қандай?

— Абдулхолиқ Ғиждувоний 1103 йилда Ғиждувонда туғилган бўлиб, у диний оилада, исломий тасаввуф ҳамда урф-одатлар қуршовида униб-ўсган, — дейди Бухоро давлат университети фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди О.Шарипова. — У тўққиз ёшида Қуръони каримни ёд олган. Дастлаб унга тафсир илмининг султони Имом Садриддин устозлик қилган бўлса, кейинчалик Хизр алайҳиссалом Ғиждувонийга хуфия зикридан таълим беради ҳамда фарзандликка қабул қилади. Бутун ҳаётини Аллоҳ йўлига бағишлаган Ғиждувоний йигирма икки ёшида Бухоро ва Шарқда номи машҳур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг муридига айланади. Шайх уни сўфийлар жамоасига олиб киради. Пиру комилдан бизга катта мерос қолган. У ҳам бўлса, алломанинг «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхуш-шуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтар Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» каби асарлардир.

— Бу зоти шариф асос солган хожагон тариқати XXI асрга келиб нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ихлосманду тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келмоқда, — дейди тасаввуфшунос олим ва шоир ҳожи Садриддин Салим Бухорий. — Чунки, бу тариқат инсонлар қалбига эзгулик, мурувват, раҳм-шафқат, қаноат хислатларини сингдиради. Ҳасад, таъмагирлик, худбинлик, шуҳратпарастлик каби иллатларни йўқотади. Инсон яхши фазилатга эга бўлмоқ ва ёмон иллатдан қутулмоқчи бўлса, албатта, унинг қўли меҳнатда, дили эса Аллоҳ таоло зикри билан банд бўлсин, дея покликка ундайди.

Шуни таъкидлаш кераккки, хожагон тариқати тасаввуф таълимотидаги буюк тариқатлардан биридир. Тасаввуф инсоннинг маънавий дунёсини ислоҳ этади, инсониятга раҳмдиллик, ғамхўрлик, муҳаббат ва бағрикенгликни ато этади. У кўнгил поклиги, маърифат юксаклиги, улуғ ишларга ундовчи илмдир, тариқат эса инсонларни таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, мусаффо қалбли қилиб тарбиялайдиган ўзига хос ва мос ғоя ҳамда мафкура йўлидир. Хожагон тариқатида ёшларнинг энг биринчи вазифаси илм олишдир дейилган. Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқлашма. Умуман, Хожаи Жаҳон ёшларни илм ўрганишга ундаганда, фақат диний илмларни эмас, балки дунёвий илмларни ўрганишни назарда тутади. Буюк сўфий барчага яхшилик қилиш, хайрли, савоб йўли билан маънавий-ахлоқий ҳаётни юксалтириш, ҳақиқий инсоний ҳаёт даражасига етиш мумкинлигини исботлайди. Қаҳру ғазаб, зулм ва ситам содир этиш, инсоний сифатдан узоқлашиш баҳойим, яъни тўрт туёқли ҳайвон мавқеига тушиш демакдир. Ана шу фикрларнинг аҳамияти эса бугун яққол намоён бўляпти.

— Ҳазратнинг қандай қудрат ва кароматларга эга эканлигини боболаримиздан эшитгандик, — дейди Ғиждувон туманидаги 59-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шерзод Баҳронов, — аммо, шеър ёзганларини билмасдик. Истиқлол туфайли у кишининг қатор шеърларидан баҳраманд бўляпмиз. Ғуждувоний бобомизнинг қуйидаги мисралари бизни Ватанни севишга, ҳақиқий баркамол инсон бўлиб етишишга даъват этиши шубҳасиздир.

**Дўстга муборакман,**
**душманларга шум,**
**Жангда темирдирман,**
**сулҳда мисли мум.**
**Сарчашмаи нур —**
**Ғиждувон манзилим,**
**Ханжарману тиғим**
**кесолгай то Рум.**

— Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний юртдошимиз эканидан қалбимиз фахрга тўлади, — дейди Ғиждувон туманидаги С.Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат Облоқулов, — пиру комилимизнинг кўнгил вазифаси бунёдкорлик, ҳалол меҳнат қилмоқ. Ҳалоллик эса барча хайрли амал, покликларнинг калитидир, деганлари бугун ҳам аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Айтишларича, Ғиждувон азал-азалдан мўъжизакор, довруғи достон, дилтортар масканлардан бири бўлган. Шаҳарнинг ҳазрат таваллуд топган йиллардаги қиёфасини тарихчи Шавкат Нарзуллаев шундай таърифлайди:

— Абдулжамол Румий (Ҳазратнинг оталари) сардорлигидаги оилавий савдо карвони Ғиждувонга етиб келганида унинг хотини Мусайлиҳабону ҳомиладор эди. Шу боис улар Ғиждувон қўрғони чеккасидаги Пермаст ариғининг қуйи қисмида жойлашган Ҳазорнурда ўтроқ яшадилар. Ўша даврда Ҳазорнур уч қисмдан иборат бўлган. Бу манзилнинг қуйи қисмида катта кўл, унинг юқорисида баланд тепалик ҳамда Ҳазорнур яланглиги бўлган. Яланглик жуда баҳаво бўлиб, ғиждувонликлар уни жаннатга қиёслаганлар. Йиллар ўтган сари бу ерда карвонсарой, мадраса, работлар, ҳовузлар қурилган.

Бугунги кунда Ғиждувон улуғ пирнинг катта тўйи муносабати билан янгича қиёфа касб этди. Яқин орада бу ерга келмаган одам шаҳар жамолини кўрса ҳайратланмай иложи йўқ: энди, пастқам бозор, тор, ўнқир-чўнқир кўчаю, кўримсиз зиёратгоҳдан асар ҳам қолмаган. Чиройли шаҳар, зиёратгоҳ, гулу гулзорлар, чароғон хиёбонлар Ғиждувоннинг юзини очган. Салобатли мақбара, кенг ва ёруғ масжид қурилишида, Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ишларида республикамизнинг турли вилоятларидан келган энг моҳир усталар иштирок этдилар.

— Асли ғиждувонликман, — дейди Навоийдаги «Меъмор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўймакор устаси Набижон Саидов, — бобомиз қабрлари устидаги мақбарани бунёд этишга ҳиссам қўшилганидан бағоят миннатдорман.

— Барча қатори юбилейга тайёргарлик жараёнида ишчиларимиз астойдил ишладилар, — дейди Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалиги раиси Шавкат Атоев. — Саккиз гектарлик хиёбонни барпо этиш, Бухоро — Тошкент катта автомобиль магистрал йўли атрофида гулзорларни вужудга келтириш осонликча бўлгани йўқ. Ҳозир буларни кўриб, ҳақиқатан ҳам инсон жазм этса, ҳамма ишни уддаларкан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Қаранг, энди бизнинг обод зиёратгоҳимиз, мўъжизакор шаҳримиз бор. У авлодларимиз учун узоқ йиллар хизмат қилади. Бобомиз руҳи эса ҳамиша бизга мадад бўлаверади.



Биргина бу эмас, шаҳарнинг тўрт томонида янги хиёбон, янги қурилиш. Ғиждувоний ҳазратларининг муридлари бўлган Хожа Лангар Ато, Сўфи Чўян зиёратгоҳлари ҳам обод этилди. Эски касалхона ўрнида хушманзара Ибн Сино боғи барпо этилди. Тиббиёт касб-ҳунар коллежи ҳам замонавий услубда қайта таъмирланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Бугун Хожаи Жаҳон фарзандлари — уста кулоллар, бешиксозу зардўзлар, қандолатпазу новвойлар, пахтакору чорвадорлар ҳамма-ҳаммаси юбилейга муносиб совға ҳозирлашмоқда.

— Ҳар бир ютуқ замирида катта меҳнат ётади, — дейди Ўзбекистон халқ устаси, машҳур кулол Алишер Нарзуллаев. — Қўли меҳнатда, дили Аллоҳда бўлганларнинг юки ҳеч қачон ерда қолган эмас. Бобокалонимиз ўгитларига амал қилиб кам бўлмадик, дунё кўрдик, эъзоз ва қадр топдик. Машҳури жаҳон — Ғиждувон фарзанди эканлигим, Ғиждувоний бобомиз барҳаётлиги билан фахрланаман.

Улуғ бобокалонимизнинг юбилейини бухоролик ижодкорлар ҳам муносиб кутиб олмоқдалар. Вилоятдаги «Бухоро» нашриётида алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб рисолалар чоп этилди. Тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорийнинг «Хожаи Жаҳоним бор» номли китобида алломанинг ҳаёти, ўша даврдаги маънавий муҳит, у зоти шариф қолдирган қатор асарларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз борса, Бухоро давлат университети ўқитувчиси А.Ҳамроев ва Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси М.Раҳмоноваларнинг рисоласида эса Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлигининг тарихи баён этилган.

Ғиждувон тонги мунаввар тонг. Бу тонг улуғ бобокалонимиз зиёсига чулғанган. Узун бўйли, қалин қошли, буғдой ранглли, гўзал юзли, бошидаги катта дастори ўзига ярашган, оппоқ яктак кийган меҳрибон, улуғ зот бугун ҳам сизу бизга: «Эй фарзанд! Илм ўрган, унга амал эт, тақволи бўл!» деяётгандек туюлади. Бу даъват эса умрбоқийдир!

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳининг бугунги кўриниши; Мажмуани таъмирлашда фаол қатнашган тошкентлик моҳир усталар Азим Исомуҳаммедов ва Валишер Мадраҳимов.

**Аҳад АЗИЗОВ олган суратлар.**

**Янги китоб**

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ҲАҚИДА

Буюк аждодимиз Хожагон тариқатининг асосчиси, Хожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик юбилейи арафасида чоп этилган шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди Маҳмуд Ҳасанийнинг «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» номли китоби қутлуғ тўй учун ажойиб тухфа бўлди. Академик Музаффар Хайруллаев сўзбошиси билан бошланган ушбу китоб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи бобдан алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги мақола ўрин олган. Кейингиларида эса баъзи асарлардаги Хожа Абдулхолиқ ҳаёти ва таълимотига оид маълумотлар, улуғ шайхнинг ўзи тасниф қилган асарлардан баъзи намуналар китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Асарда улуғ шайхнинг устоз ва шогирдларига муносабати, улар ҳақидаги фикрлари ҳамда ўз навбатида замондошларининг Ғиждувоний ҳақида битган асарлари ва рисолалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Жумладан, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон ҳақида гапириб, унинг шайх қаламига мансуб «Васиятнома» рисоласининг мазмунини кенгроқ шарҳлаб «Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» асарини ёзганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.



Бундан ташқари Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда муаллифи номаълум «Мақомати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» асаридаги улуғ шайх ва унинг шогирди Хожа Ориф Ревгарий ҳақида ҳам баъзи маълумотлар келтирилган.

Китобнинг «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таснифотларидан» деб номланган учинчи бўлимида Ғиждувоний қаламига мансуб «Одоби тариқат» («Тариқат одоби» ёки «Васиятнома»), «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» ва «Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» («Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганларидан») каби асарлардан айрим намуналар таржима қилиб келтирилган.

«Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомоти»дан таржима қилиб келтирилган парчалардан Ғиждувонийнинг ўз устози Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотлардан воқиф бўламиз. Абдулхолиқ Ғиждувоний устозининг ўз шогирдлари ва халқ оммасига ўрнак бўлган юксак инсоний хислатлари ҳақида, жумладан, шундай деб ёзади: «Шайхимиз... этик тикар ва деҳқончилик қилар эдилар. Худойи таоло нимаики берса, уни камбағаллар, бевалар, етимлар, мусофирлар, беморлар, бола-чақаси кўп кишиларга берардилар. Умрлари давомида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамас эдилар. Дунё иморатига машғул бўлмас эдилар. Бордию бошқа киши машғул бўлса, уни бундан қайтарар эдилар».

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний» китоби улуғ аждодимиз хотирасига алоҳида эҳтиром рамзидир. Мазкур асар аллома ҳаёти ва ижоди билан қизиқаётган барча китобхонлар учун муносиб совғадир.

**Ғулом КАРИМ,**
**Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти илмий ходими**

